

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАЎБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХЎЖАҚУЛОВ АКБАР ЭШҚУВАТОВИЧ

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА
ОЙЛАГА НИСБАТАН ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хўжакулов Акбар Эшқуватович

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан
кадриятли муносабатни шакллантириш..... 3

Хужакулов Акбар Эшқуватович

Формирование ценностного отношения к семье у воспитанников
дошкольной образовательной организации..... 23

Khujakulov Akbar Ehkuvatovich

Formation of value attitude to the family in the pupils of the preschool
educational organization..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХЎЖАҚУЛОВ АКБАР ЭШҚУВАТОВИЧ

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА
ОЙЛАГА НИСБАТАН ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори PhD диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.Phd/Ped1519 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mdomoi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Олимов Қахрамон Танзилович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рискулова Камола Джумаевна
педагогика фанлари доктори, доцент
Шодмонова Шоира Саидовна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "21" соат дақиқаси даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871)150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz).

Диссертация билан Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказидатанишиш мумкин (12 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил _____ кунни тарқатилди.
(2020 йил "____" _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



М.А.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси уринибосари, п.ф.д., профессор

Д.О.Химматалиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш аъзои, п.ф.д.

Н.Х.Раҳманқулова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида оиланинг фаровонлиги давлатнинг миллий хавфсизлиги, мамлакатда инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг шарти сифатида қаралмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида “ижтимоий институтларнинг таълимий, маданий ва маърифий салоҳиятини ривожлантириш, ҳамкорлик қобилиятлари ва қизиқишларини кучайтириш”¹ долзарб вазифа сифатида белгиланган. Жанубий Корея, Япония ва Германия каби давлатларда шахснинг шаклланиши ва тарбиясига таъсир кўрсатадиган энг муҳим ижтимоий институт бу оила эканлиги таъкидланиб, оила – авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган маданий асарлар, урф-одатлар, кадриятларнинг узвийлигини сақлайдиган ижтимоий-маданий амалиётнинг асосий ташувчиси сифатида қаралмоқда. Шу билан бирга, илғор тажрибалар мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан кадриятли муносабатларни шакллантиришнинг методик имкониятларини кенгайтириш ҳамда ушбу педагогик жараён самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Дунёда мактабгача таълим тизимида болаларнинг оилага нисбатан кадриятли муносабатларини ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш методикаларини лойиҳалаштиришга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бунда оиланинг болалар ривожланишига йўналтирилган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишига алоҳида эътибор берилиб, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларда оилага нисбатан кадриятли муносабатларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндашув мақсадга йўналтирилган таянч компетенцияларни ривожлантириш жараёнининг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, оила ва мактабгача таълим ташкилотининг педагогик ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларига устуворлик беришни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига катта эътибор қаратилиб, болалар ва уларнинг тарбияси масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилган. Жумладан, республикада мактабгача таълим тизимининг методик таъминотини такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилоти ва ижтимоий институтларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш, инновацион ёндашувлар асосида мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). бр. 26 P.

мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш”² каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш, тарбияланувчиларда машғулотлар ва улардан ташқарида оиласига нисбатан қадриятли муносабатларини шакллантириш учун оила ва жамият талаблари ўртасидаги қарама-қаршилик сабабларини аниқлаш, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг методик имкониятларини аниқлаштириш, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделини мактабгача таълим ташкилоти ва оиланинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш асосида ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли, 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли, 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли қарорлари, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 528-сон, 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини ҳар томонлама ривожлантиришга оид тадқиқотлар сўнгги йилларда республикамиз олимларидан Ф.Қодирова,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. Б. 39.

М.Абдуллаева, Н.Абдуллаева, Д.Абдурахимова, З.Азизова, Н.Бегматова, Г.Бердалиева, М.Бердиева, Д.Бобоева, Ф.Вахабова, Б.Джураева, Ҳ.Тожибоева, Г.Назирова, Н.Режаметова, И.Туйчиева кабилар томонидан тадқиқ этилган.

Замонавий илмий тадқиқот ишларида ота-оналарнинг педагогик маданияти ва ота-онанинг ижобий имиджини шакллантиришга йўналтирилган тадқиқотлар Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан С.П.Акутина, С.Ф.Анисимов, Н.В.Анненкова, О.И.Бородкина, В.А.Самойлова, Ю.В.Гиппенрейтер, С.Джудит, О.Л.Зверева, П.Ф.Лесгафт, Т.В.Лодкина, Д.М.Маллаев, Н.Ньюкомб, Л.М.Панкова, Н.К.Радина, А.Б.Холмогорова, А.В.Черников, Т.Н.Шульга ва бошқа бир қатор мутахассислар томонидан кенг кўламда ўрганилган.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг ижтимоий институтларга мослашишлари ва уларда оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш масалалари S.Holland, Henning Gibbons, G.V.Leonidova, R.B.McCall ва C.J.Groark, M.Montessori, J.E.Schmid ва S.Pollack, K.White каби хорижлик олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг илмий-техника режаси асосида ИТД–1. А–1–173 “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” (2015-2017 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогика назарияси ва амалиётида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш муаммосининг ҳолатини таҳлил қилиш ва аниқлаш.

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатнинг шаклланганлик мезонлари ва даража кўрсаткичларини аниқлаштириш;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни самарали шакллантиришни таъминлайдиган педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ва жараён моделини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида ўйин фаолиятида оилага бўлган қадриятли муносабатни шакллантириш стратегиясини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараёни танлаб олиниб, унда Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги (жами 9 та) мактабгача

таълим ташкилотларининг 480 нафар респондент-тарбияланувчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг оилага нисбатан қадриятли муносабатини шакллантиришнинг мазмуни, шакл ва усуллари, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, ижтимоий сўров, тарбияланувчилар фаолиятининг қиёсий таҳлили, педагогик прогностика ва ташхислаш, синтез, эксперт баҳолаш, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида машғулотлардан ташқарида оилавий қадриятларга эмоционал қайғуриш тажрибаси асосида уларда оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг рағбатлантирувчи-йўналтирилган (мотивацион), қадриятли-изланишли, фаолиятли-самарали босқичлари аниқланган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг ўйин фаолиятида “Play a game”, “Heuristic conversation” (Эвристик суҳбат) технологияларни қўллаш орқали уларда оилага нисбатан қадриятли муносабатни шакллантириш стратегияси инсонпарварлик, аксиологик, фэмилстик, шахсий-фаолиятли ёндашувлар асосида белгиланган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган жараён модели қадриятли-мақсадли, субъект-субъект, мазмунли, процессуал-коммуникатив, ташхисли-натижавий ва рефлексив каби таркибий ташкил этувчилар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабат шаклланганлигининг мезонлари (когнитив, ҳиссий-қадриятли, фаолиятли-изланишли) маънавий-ахлоқий тарбияланганлик ва оилага нисбатан ҳиссий йўналганлик асосида даража (юқори, ўрта, паст) кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатни шаклланганлик мезонлари ва даража кўрсаткичлари аниқланган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни самарали шакллантиришни таъминлайдиган педагогик шарт-шароитлар аниқланган ва жараён модели ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида ўйин фаолиятида оилага бўлган қадриятли муносабатни шакллантириш стратегиялари белгиланган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларига мўлжалланган “Ёш авлодда қадриятли муносабатларни шакллантиришда ижтимоий

институтлар ва телевидениянинг ўрни” номли методик қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган муайян педагогик жараён мазмуни, ушбу жараён модели, мазкур моделнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида мактабгача таълим педагогикаси, тарбиявий ишлар назарияси ва методикаси курслари мазмунини бойитишга, малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришга, мактабгача таълим мутахассислари иш тажрибасини бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари, болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида ўйин фаолиятида оилага бўлган қадриятли муносабатни шакллантиришга доир таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июлдаги 02-02/2-792-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилавий қадриятларга эмоционал қайғуриш тажрибаси асосида уларда оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг рағбатлантирувчи-йўналтирилган (мотивацион), қадриятли-изланишли, фаолиятли-самарали босқичлари аниқланган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида миллий педагогика элементларини қўллаш, тайёрлов гуруҳи болаларининг оилага нисбатан қадриятли муносабатларни самарали шакллантиришни таъминлайдиган педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ва баҳолаш мезонларини аниқлаштиришга оид муаллифлик ҳолатидан А-1-173 “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва

методикасини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июлдаги 02-02/2-792-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабат шаклланганлигининг мезонлари (когнитив, ҳиссий-қадриятли, фаолиятли-изланишли) маънавий-ахлоқий тарбияланганлик ва оилага нисбатан ҳиссий йўналганлик асосида даража (юқори, ўрта, паст) кўрсаткичлари аниқланган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш методикаси, рефлексив ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг ўзаро динамик алоқадорлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялар асосида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг оилавий қадриятларга асосланган муносабатларини шакллантириш учун тарбиячи-педагогларга мўлжалланган “Ёш авлодда қадриятли муносабатларни шакллантиришда ижтимоий институтлар ва телевидениянинг ўрни” номли методик қўлланма ишлаб чиқилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июлдаги 02-02/2-792-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг ўйин фаолиятида “Play a game”, “Heuristic conversation” (Эвристик суҳбат) технологияларни қўллаш орқали уларда оилага нисбатан қадриятли муносабатни шакллантириш стратегияси инсонпарварлик, аксиологик, фэмилстик, шахсий-фаолиятли ёндашувлар асосида белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси юзасидан жами 13 та илмий мақолалар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола жумладан, 1 таси хорижий журналларда 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг “**Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатни шакллантиришнинг назарий-методологик асослари**” деб номланган биринчи бобида мактабгача таълим ташкилоти (МТТ) тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатни шакллантириш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида асосланган ҳамда оила институтининг пайдо бўлиши ва қадриятли муносабатларни ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, жумладан, педагогика ва психологияда оила ва болаларни оилада тарбиялаш масалалари ҳам мамлакатимиз олимларининг доимий диққат марказида бўлган. Оила ва ота-она шундай тарбиявий кучки, унинг ўрнини ҳеч бир ўқитувчи боса олмайди. Илк ижтимоий муносабатлар ва алоқалар тажрибасини бола оилада эгаллайди, ота-она, қариндошлар, қўшнилари, ота-онанинг танишлари ва дўстлари, шунингдек, ҳовлида ўйновчи болалар бу – дастлабки микросоциум, бу ерда социал тажриба шаклланади.

Маънавий-ахлоқий ривожланиш ва тарбияланиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилани кадрлаш туйғусини шакллантириш “Отасининг исми”, “Қадрдон ер”, “Она тили”, “Менинг оилам”, “Менинг уйим” сингари тушунчалар билан тўлдирилади. У ҳурмат ва садоқат, саломатлик, тўқинлик, ота-онани эъзозлаш, катталар ва кичиклар ҳақида ғамхўрлик сифатида кўрилади.

Тадқиқот давомида оила тарбия муҳити сифатида болаларнинг катталар билан доимий ва фаол мулоқот қилиши учун оптимал имкониятларга эга эканлиги, тарбиячи ва тарбияланувчининг бетакрор яқинлигига асосланган, бошқа ҳолатларида қайта ишланмайдиган, эмоционал-психологик микроклимнинг манбаи сифатида асосланди. Оила болалар мулоқоти ривожини барча кенгаювчи соҳалар (қариндошлик, ўқув, меҳнат, дам олиш ва бошқа муносабатлар)га йўналтиради; болаларга жинсларнинг ўзаро муносабатлари ва бўлажак оилавий ҳаётдан сабоқ беради; ўқув ва меҳнат фаолияти, жамият олдидаги жавобгарлик, жамоатчилик ва ўзаро ёрдам бериш талабларига муносабатини шакллантиради; жамиятнинг дунёвий, мафкуравий, ахлоқий, ҳуқуқий қадриятларига муносабатини белгилайди; умумий фуқаролик, таълим-тарбия ва меҳнат мажбуриятларини бажаришда раҳбарликни амалга оширади; характер, ижтимоий мазмун, ўзини баҳолаш ва танқид қилиш даражасини шакллантиради; бекор вақтни ўтказиш структураси ва мазмунини моделлаштиради; фаол ривожланиш босқичида турган ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини ҳали тўла эгалламаган жамият аъзолари сифатида болалар устидан назоратни таъминлайди.

Оила жамоатчилик институти сифатида жамиятнинг пайдо бўлиш жараёнида вужудга келди. Оила тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши қадриятларни мустаҳкамлаш орқали аниқланиб, улар: оила аъзолари риоя қилувчи меъёрлар, ота-она ва болалар, таълим-тарбия, уларни амалга оширишдаги масъулиятлилик ҳис ва шу кабилар сифатида кўрсатилади. Мазкур қадриятлар ўзини тута билиш қоидалари, жавобгарлик ҳис, эркак ва аёл каби субъектлар ўртасидаги вақт ўтиши даври билан маълум бир шаклни

намоён этади. Ушбу кадриятлар оилада ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимланиши ва тартиблаштиришга имкон беради. Жамият ривожининг даслабки босқичларида, бундай муносабатлар урф-одат (қабила, уруғ) сифатида ўзида ахлоқий қоидаларни намоён этиб, диний қоидаларга асосланиш орқали назорат қилинган.

Ҳозирги босқичда таълим олувчиларнинг оилага кадриятли муносабатни шакллантириш муаммосига бўлган қизиқиш сусаймади, аммо бўлажак оилали шахснинг ахлоқий фазилатларини тарбиялашга бўлган анъанавий муносабати “оилага нисбатан кадриятли муносабат” тушунчасини кенгайтирди. Бола ҳаётининг биринчи йиллариданок ўзлаштириши лозим бўлган оилага бўлган муносабати ҳар қандай инсон учун алоҳида аҳамиятга эга. Оиладаги муносабатлар жамиятдаги муносабатга асосланган ва фуқаролик хатти-ҳаракатларнинг асосини ташкил этади.

Фалсафада муносабат деганда, унинг яширин хусусиятларни аниқлаш ва амалга ошириш шарти сифатида ҳаётий нарса-ҳодисаларга алоқадорлик усули тушунилади. Кадриятли муносабат – шахсий ва ижтимоий аҳамиятлиликнинг ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи шахснинг ички позициясидир.


Боланинг оилага нисбатан кадриятли муносабати – унинг ёши ва индивидуал хусусиятларига кўра оиладаги ижтимоий муносабатларда шахсий ва ижтимоий мавқеи, аҳамиятлиликнинг ўзаро алоқадорлигини ифодаловчи нуктаи назаридир.

Оилага кадриятли муносабатни шакллантириш бола ҳаётининг биринчи йилларидан бошланади. Оилавий ҳаётда – оила аъзолари ўртасида уйғунлик ва барқарорликни сақлаш, оилани сақлаш учун унинг аъзоларига психологик ва педагогик таъсир кўрсатишни қамраб олади.

Тизимли-фаолиятли, аксиологик, шахсий-фаолиятли, гендерли ва компетентли ёндашувлар мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида ўйин фаолиятида оилага кадриятли муносабатни шакллантириш концепциясини яратишда методологик йўналиш ҳисобланади. Ушбу ёндашувлар тадқиқот жараёнида бир бутунликда ва ўзаро боғлиқликда қўлланилди.

Диссертациянинг **“Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан кадриятли муносабатни шакллантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан кадриятли муносабатни шакллантириш модели ишлаб чиқилган ҳамда мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан кадриятли муносабатни шакллантиришда ўйин фаолиятининг имкониятлари таҳлил қилинган. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида кадриятли муносабатларни шакллантириш жараёнининг методлари, шакллари ва воситалари кўрсатиб ўтилган.

Ўйин фаолиятида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида кадриятли муносабатларни шакллантириш таълим жараёни субъектлари ўзаро ҳамкорлигининг назарий асослаб берилган моделини таъминлаб бериши мумкин.



1-расм. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш жараёни модели

Ушбу модель ўйин фаолиятида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг ўзига хослигини эътиборга олади ва қуйидаги структуравий компонентларни қамрайди: қадриятли-мақсадли, субъект-субъектли, мазмунли, процессуал-коммуникатив, диагностик-нативажавий, рефлексив. Уч ёшдан олти ёшгача бўлган болаларнинг маънавий маданиятини кенгайтириш хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни инобатга олиб ва мазкур ёш даврларида оилага нисбатан қадриятли муносабатни шакллантиришнинг назарий, методологик ҳолатларига асосланиб, қуйидаги мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш жараёни модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).

1-жадвал.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш жараёнида субъектларининг роли

Субъектлар	Улар фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари
МТТ маъмурияти	Ахборот тақдим этиш, сифат, қулай шарт-шартлар яратиш кафолатларини таъминлаш ва МТТ таълим-тарбия муҳитининг хавфсизлиги, барча учун ошкоралик ва очиқликни таъминлаш. Педагог-тарбиячилар имкониятларини кенгайтириш усулларини излашга ундаш, МТТ тарбияланувчиларида оилага бўлган қадриятли муносабатни шакллантириш; ташхис натижасида олинган маълумотларни рефлексив таҳлил қилиш ва тушуниш. Тарбиячи-педагоглар ва ота-оналар жамоасини конструктив ҳамкорлик орқали ягона жамоага бирлаштириш.
Педагогик жамоа	МТТ тарбияланувчиларининг психологик ва педагогик ташхислаш жараёнида уларни ота-оналар томонидан қўллаб-қувватланишига, оилага нисбатан қадриятли муносабатни шакллантиришга қаратилган.
МТТ тарбияланувчилари	МТТ тарбияланувчиларига ташхиснинг мақсади ва вазифаларини тушунтириш оилага нисбатан қадриятли муносабатни шакллантириш омилини фаоллаштиради, чунки у ташхис ва фаолият натижаларига қизиқишни оширади.
Ота-оналар	Болалар, педагог-тарбиячилар, маъмуриятни ва, умуман, МТТни фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш. Улар гуруҳ фаолиятида иштирок этадилар. Болаларнинг психологик-педагогик ташхиси ҳақида ота-оналарга маълумот бериш. Бунда, одатда, ота-оналар билан бўладиган йиғилишларда, семинар ва учрашувларда маълумот берилади.

Шунга боғлиқ равишда ўйин фаолиятида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида қадриятли муносабатларни шакллантириш бўйича асосий вазифаларни аниқлаш мумкин. Улар қуйидагилар: болаларни

фамилистик тамойиллар асосида камол топтириш ва муносабатларни эзгулик, адолат, инсонийлик, оиланинг ҳар бир аъзоси индивидуаллигини тан олишга асосланиб қуриши; ўйин фаолиятида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида қадриятли муносабатларни шакллантириш ва уларнинг онгида ва хулқ-атворида халқ урф-одатларини, оилавий анъаналарни маънавий қайта уйғотиш орқали аксиоматик тасдиқлаш; ўйин фаолиятида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида қадриятли муносабатларни шакллантиришда субъект-субъект муносабатлар қарор топиши ривож ва динамикаси.

Оила ва МТМнинг шериклик муносабатлари икки томонлама функциялари 2-жадвалда келтирилган қуйидаги тамойиллар асосига қурилади.

2-жадвал.

Тарбияланувчиларнинг оилага бўлган қадриятли муносабатларини шакллантиришда оила-мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорлигининг тамойиллари ва функциялари

Тамойиллар	МТТнинг функциялари	Оиланинг функциялари
Қайғуриш	МТТ ота-оналарга эътибор қаратади.	Оила ташаккур билдирган ҳолда жавобан эътибор қаратади.
	МТТ болаларда оилага нисбатан муҳаббатни шакллантиради.	Оила МТТга ўз хурматини намоён этади.
	МТТ янгиликлар билан таништириб боради.	Оила ўз фарзандларинг ҳаётига қизиқишини намоён этади.
Биргаликдаги қўшма	Педагогик талаблар ҳақида МТТ хабардор этади.	Оила МТТ талабларини қўллаб-қувватлайди.
	Болаларнинг ривожланиши ҳақида МТТ маълумот бериб боради.	Оилавий тарбия муаммолари ҳақида оила маълумот беради.
	Тарбиявий фикрлар ҳақида МТТ маълумот беради.	Оила мазкур фикрларга қўшилишини билдиради.
	МТТдаги фаолият билан таништиради.	Оилавий тарбияда оила аниқликлар киритади.
Иштирок этиш	МТТ керак бўлган нарсалар ҳақида маълумот беради.	Оила ёрдам беради.
	МТТ муаммони муҳокама қилиш учун таклиф этади.	Оила муаммонинг муҳокамасида иштирок этади.
	МТТ болани таъминлаш ҳақида сўрайди.	Оила болани зарурий ашёлар билан таъминлайди.
	МТТ иш режаси ҳақида маълумот беради.	Оила МТТнинг болага таъсирини баҳолайди
	МТТ мураккаб	Оила мазкур муаммоларни

Амалга ошириш	муаммоларни очиб беради.	бартараф этишда кўмаклашиш чораларини аниқлайди.
	МТТ тадбирда иштирок этишга чорлайди.	Оила, эътиборга олган ҳолда, тадбирда иштирок этади
	МТТ ёрдамга муҳтожлигини маълум қилади.	Оила ўз ёрдамини қай тарзда амалга оширишини таклиф этади.
	МТТ биргаликдаги фаолиятни ташкиллаштиради.	Оила мазкур биргаликдаги фаолиятда иштирок этади.

Моделлаштирилаётган концепцияда тарбияланувчилар томонидан эгалланган оилавий қадриятлар самарадорлик ўлчови саналади. Биз бунда қуйидаги мезонларга таяндик: турли шахсий сифатларнинг шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари; тарбия ва саводхонлик даражаси; тарбияланувчининг ота-онасига, оиланинг бошқа аъзоларига муносабати; инсоннинг ҳаётий позициясини шакллантириш.

Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришда рағбатлантириш ва таълим олиш учун хавфсиз муҳитнинг яратилиши, таълимнинг самарадорлиги ҳар бир бола таълим олишининг кейинги босқичларида ютуқларга эришиши учун зарурий шартдир.

Шундай қилиб, мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти ўйин ҳисобланади. Чунки болалар ўйин орқали ижтимоий муносабатларни яхшироқ ўзлаштирадilar. Таълим олиш жараёнида таълим бериш воситаси сифатида ўйиндан фойдаланилади. Тўғри ташкил этилган ўйинда боланинг жисмоний, ақлий ва шахсий сифатлари ривожланади, ўқув фаолиятига тайёргарлиги шаклланади ва мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий муваффақиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатни шаклланиши қуйидаги кетма-кетликда кечади: қадрият элементларини ўрганиш; индивидуал предметли ўйинлар, жамоавий сюжетли-ролли ўйинлар; индивидуал ва гуруҳли ижодий фаолият; оилавий мулоқотлар; уй ишлари ва ҳоказолар.

Қадриятли муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига оид суҳбатлар – тарбиячи ва тарбияланувчилар биргаликда иштирок этадиган билимларни узвий ва тизимли муҳокама қилинадиган методдир. Тарбиячи-педагог суҳбатдошлари, яъни тарбияланувчилар, фикрларини тинглайди ва ҳисобга олади, улар билан муносабатларини тенг ҳуқуқлилиқ ва ҳамкорлик принциплари асосида ўрнатади. Бизнингча, замонавий ва изчиллик яққол кузатиладиган, гуруҳларга ажратилган методларнинг кўриниши қуйидагича: тарбияланувчиларда қадриятли муносабатларни шакллантирувчи, қизиқтирувчи ҳамда онгига, туйғу ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатувчи методлар (шахс онгини шакллантирувчи методлар); жамоат жойларида қадриятли муносабатларни амалга ошириш ва ўзини тутиш тажрибасини ташкил этувчи ҳамда шакллантирувчи методлар; қадриятли

муносабатларда ўзини тута олиш, юриш-туриш ва фаолият олиб боришни рағбатлантирувчи методлар.

Оила ўзининг кадрият йўналиши, шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари орқали бутун ҳаёт тарзини тўғридан-тўғри ёки билвосита, кўпроқ ёки озроқ даражада болани келажакдаги оилавий ҳаётига тайёрлайди. Оила ва МТТнинг биргаликдаги ҳаракатлари мактабгача ёшдаги болаларда оиланинг ижобий имиджини шакллантиришга таъсир қилиши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг доимо ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзига хослиги ҳақида гапирганда, беихтиёр эътиборни, қисқа муддатли қизиқишларни таъкидлаш керак бўлади, бунда ўйин, асосан, боланинг ривожланишини белгилайдиган етакчи фаолиятдир. Шунинг учун болалар билан ишлашда машғулотларга ҳиссий кўтаринкилик кайфияти берадиган ва шу билан болаларнинг қизиқишини қўллаб-қувватлайдиган ўйин техникасидан фойдаланиш керак.

Ушбу йўналишда педагог-тарбиячининг болалар билан ишлаш шакллари қуйидагича бўлиши мумкин:

– яқка тартибдаги ва гуруҳда суҳбатлар. Суҳбат – вербал коммуникациялар асосида дастлабки маълумотларни тўплаш методидир. Бу метод маълум қоидаларга риоя қилган ҳолда, ўтмиш ва ҳозирги воқеалар, барқарор мойилликлар, баъзи ҳаракатларнинг мотивлари ва субъектив ҳолатлар тўғрисидаги кузатувлардагидан кам бўлмаган ишончли маълумотларни олишга имкон беради. Мазкур методдан фойдаланиш санъати – қандай сўрашни, қандай саволлар беришни, олинган жавобларга қандай ишонч ҳосил қилишни аниқлашни билишдир. Суҳбат сўроққа айланмаслиги жуда муҳим, чунки бу ҳолатда унинг самарадорлиги пасаяди;

– ҳикоялар тузиш, репортажлар (савол-жавоблар оқшоми, иш жойидан репортаж, сеvimли онаси ҳақидаги ҳикоялар тузиш ва шу кабилар);

– такдимотлар ва видеоларни кўриш;

– ўйин фаолияти (дидактик ўйинлар, ўйин машғулоти, ўйин дарслари). Дидактик ўйин – кўп томонли, мураккаб педагогик ҳодиса: бу мактабгача ёшдаги болаларни ўқитишнинг ўйин усули ва машғулоти шакли мустақил ўйин фаолияти ва бола шахсини ҳар томонлама тарбиялаш воситасидир;

– нутқий-билиш фаолияти (тематик машғулоти, бадиий адабиётларни ўқиш). Мазкур фаолият маҳсулдорлиги “Менинг оилам” мавзусида расм чизиш, онасига гулдаста ясаш, барча оила аъзолари учун карточкалар тайёрлаш ва бошқалардан иборат;

– ота-она бурчагининг дизайни билан шуғулланиш. МТТда ота-оналар бурчаги бу – ота-оналар билан мулоқот қилишнинг яхши методидир. Ҳар бир педагог-тарбиячи ота-оналар билан боғланиши учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиши жуда муҳимдир. Ахир, ота-оналар ўз фарзандларининг ютуқлари ҳақида мунтазам равишда билиб боришлари, машғулоти ва бошқа

тадбирлар ҳақида маълумот олишлари, болаларини тарбиялаш бўйича яхши маслаҳатларни олишлари мумкин;

– оилавий байрамларни ташкиллаштириш. Оилавий байрамлар - болалар ҳаётидаги алоҳида кунларни, қувонч ва ҳиссий кўтаринкиликни ўз ичига олади, ҳар бир бола учун ёқимли совғаларни олишга ва дўстлар билан очик мулоқотга киришишга имкон беради. Оилавий байрамларни ўтказишдан мақсад - ота-оналарнинг болаларни байрамга имкони борича жалб қилиш зарурлигини тушунишларидир;

– оилавий альбом. “Менинг оилам” фотоальбомини яратиш. Бунда оиланинг шиори, ҳаёт қоидалари, альбомнинг шакли (китоб, глобус, гуллар ва бошқалар) жамоавий бўлиб танланади. Оила аъзоларининг ҳар бирига алоҳида фотосуратлар, савол-жавобларни жойлаштириш учун алоҳида саҳифа ажратилади;

– муайян оиланинг кадриятлар тизимини, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналарни тушунишнинг самарали воситаси бўлган оилавий музейларни яратиш. Бундай музейни ташкил этиш ҳақи равишда катталар (оила аъзолари, педагоглар) ва болаларнинг нафақат ўз оиласининг, балки бутун жамиятнинг маданий меросини ўрганиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган таълимий ва ижодий манфаатларини қондиришга қаратилган биргаликдаги фаолият шакли сифатида кўриб чиқиши мумкин.

Оила музейи фаолиятининг принциплари: кўргазмалилик, ишончлилик, музей майдонидаги фаолиятнинг психологик қулайлиги ва хавфсизлиги, болалар боғчасида ва оилада таълим-тарбияни мувофиқлаштириш ва бошқалар.

